Shu aziz Vatan — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 8-avgust • Shanba • 93 (30.054) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.**

## МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ АНЖУМАНИ




**Пойтахтимизда «Мустақиллик – биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

*Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда маънавият тарғиботчиларининг ўрни масалалари атрофлича муҳокама этилди.*

*Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ.Назаров, халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков ва бошқалар мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида халқимиз қалбидан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётганини таъкидлади.*

(Давоми 2-бетда)

Хушхабар

## «ОЛТИН» МУҚАДДАСДА, «КУМУШ» ИКРОМДА!..

Юртимиз спортчилари Бангкокда яккакураш турлари бўйича ўтказилаётган 1-Осиё ўйинларида ҳозирча учта олтин медаль билан шарафланди. Дастлабки олтин медални кураш мусобақасида Муқаддас Кубеева қўлга киритди. Иккинчи олтин медални ҳам курашчимиз Шерали Жўраев тортиқ этди. Учинчи олтин медални жамоамиз жамғармасига муайтайчимиз Мавлонбек Қаҳҳоров келтирди!..

4-бет

ЎзХДП минтақавий ташкилотлари конференциялари

# ҲУДУДИЙ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

ВА БАНДЛИК ДАСТУРЛАРИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ БИЗДАН КАТТА МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ЭТАДИ. ҚОЛАВЕРСА, СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТДАГИ МАВҚЕИ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАРИ, ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРГА ФАОЛ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ, ДЕЯ ТАЪКИДЛАНДИ ЎЗХДП СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ТАШКИЛОТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА







Солия Давлатова Халқ демократик партиясининг фидойи аъзоларидан. Партия ташкилотлари тадбирларида ҳар доим фаол қатнашади, янги таклифларни ўртага ташлайди. Бугун ҳам у конференцияга барвақт келди. Анжуманга қадар у билан ҳозирги шароитда партиянинг обрў-эътибори, жамиятдаги таъсирини кучайтириш масаласида суҳбатлашдик.

— Бугун сиёсий партиянинг мавқеи унинг аъзолари сони билан эмас, воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоб муносабати, электорати манфаатлари йўлидаги амалий фаолияти билан ўлчанади, — дейди у. — ХДП ташкилотлари бош дастурий вазифамиз — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами билан ишлашни янада кучайтирса, мана шунинг ўзи партиянинг одамлар ишончини қозонишида асосий омил бўлади.



Солия Давлатова тилга олган масала конференцияда қилинган асосий маърузада ҳам, музокарада қатнашган фаолларнинг чиқишларида ҳам бот-бот таъкидланди.

Конференцияда маъруза қилган ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Алишер Тошматов ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилар экан, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши аҳоли турмуш тарзи яхшиланиши, бандлик масаласини ижобий ҳал этишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

— Кейинги йилларда Сирдарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўсиб бормоқда, — деди у. — 2009 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 108,7 фоиз, саноат маҳсулоти 107,1 фоиз, халқ истеъмол моллари 108,6 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 104,1 фоизга уддаланди.

Маърузачи Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг вилоят миқёсида ижросини таъминлашда партия ташкилоти иштироки тўғрисида алоҳида тўхталди. Бу борадаги ишларни кучайтириш лозимлигини уқтирди.

(Давоми 2-бетда)

**Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида қурувчиларнинг касб байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда қурувчи ва меъморлар, муҳандис ва лойиҳачилар, қурилиш ташкилотлари, компаниялари, ободонлаштириш-таъмирлаш корхоналари, лойиҳалаштириш илмий-тадқиқот институтлари вакиллари иштирок этди.**

## ҚУРУВЧИ — ШАРАФЛИ КАСБ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз равнақи йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва эътиборини мустаҳкамлаш, юртимизни янада обод этиш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Истиқлол йилларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари янгича маъно ва мазмун касб этиб, юртимизнинг барча ҳудудларида кенг қулоч ёйди.

Мустақиллик байрами арафасида нишонланадиган Қурувчилар кунини бунёдкорларимиз янги-янги иншоотлар, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, турар-жой бинолари, лицей ва коллежлар, спорт масканлари, болалар бадиий ижодиёт марказлари, маданият ва санъат кошоналари, йўллар ва кўприкларни ҳамюртларимизга туҳфа этиш билан қарши олиши яхши анъанага айланган.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида чекка ҳудудларда аҳолининг турар-жой шароитини янада яхшилиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳамиятга молик, муҳандислик инфратузилмаси объектларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда кўплаб замонавий мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, болалар спорт мажмуалари барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Буларнинг барчасида қўли гул қурувчилар, моҳир меъмор ва муҳандисларнинг фидокорона меҳнати мужассам.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Юрт ободлиги, халқимизнинг турмуш фаровонлиги қишлоқ тараққиёти билан узвий боғлиқ. Истиқлол йилларида қишлоқларни «зангори олов» ҳамда тоза ичимлик сув билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида эса бу борадаги юмушлар янада юқори босқичга кўтарилган.

Узун туманининг сўлим ва баҳаво масканларидан бири Хонжизада фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пункти ҳамда йигирма ўринга мўлжалланган мўъжаз шифохона ҳомийларнинг саъй-ҳаракати билан қайта таъмирланди.

— Хонжиза туман марказидан 70-80 километр олисда жойлашган, — дейди қишлоқ врачлик пункти шифокори Абдулла Муқимов. — Шифо масканининг қайта таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланиши 1500 нафардан ортиқ тоғ қишлоғлари аҳолиси учун айни муддао бўлди.

**(Ўз мухбиримиз).**

## ИШ УНУМИ ОРТМОҚДА

*Қизилқум кенгликларидан қазиб олинаётган энг нодир қазилма бойликлар ва маъданлар сафига ниҳоятда ноёб саналган фосфорид кукуни хомашёси ҳам қўшилди. 2000 йилларга қадар у валюта ҳисобига Ҳамдўстлик мамлакатларидан келтириларди. Энди бўлса ўзимизда, Қизилқумда ишлаб чиқарилаяпти.*

*Тўғри, бу осонликча ҳал этилмади. Дастлаб илғор технология, табиий экология ва чўл шароитига мос замонавий фаолиятга эга сармоядор изланди ва Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигидаги Қизилқум фосфорид комбинатига асос солинди.*

*2000 йил бошларига келиб, йилига 400 минг тонна, 2- линияси ишга тушгач эса 600, 2003 йиллардан 700-800 минг тонна фосфорид кукуни ишлаб чиқарила бошланди. 2005-2006 йилларга келиб Қизилқум фосфорид мажмуасининг йиллик иш қуввати 1 миллион тоннага етди.*

*— Мажмуа захира манбаси юз йилдан зиёд даврга етади,— дейди корхона мутахассисларидан бири Юрий Золотарёв. —Бу — чинакам, бойлик! Ишчилар турмуш тарзини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам қатор хайрли ишлар қилинмоқда. Айни кезда комбинатда минг нафарга яқин киши меҳнат қилаяпти. Кейинги икки йил давомида улар сони 120 нафарга кўпайди. Ишчиларимизга иш ҳақини ўз вақтида ойма-ой бериб бораяпмиз. Шунингдек, фосфоридчиларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун турли спорт тўгараклари, ахборот-ресурс маркази ишлаб турибди.*

*Дарҳақиқат, иш тўғри ташкил қилинган жойда барака ҳам, унум ҳам бўлади.*

**Музаффар ШАРОПОВ**

## «ОБУНА – 2010»

**Азиз газетхон, қадрли партиядошлар!**

Хабарингиз бор, бу йилги обуна мавсуми эртароқ бошланди. Бундан кўзланган мақсад — сиз обуначиларга қулайлик яратиш.

Биз сиз билан ўтган йилларда ҳамфикр бўлдик. Умид қиламизки, 2010 йилда ҳам ҳамкорлигимиз давом этади. Бунинг учун ўзингизга қадрдон бўлиб қолган «Ўзбекистон овози» газетасига обунани расмийлаштиришни унутманг!

Обуна «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг жойлардаги бўлимлари орқали амалга оширилади.

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...
ёхуд қишлоқдаги мактабгача тарбия муассасаларининг фаолияти бугун қайси мезонлар билан ўлчанади-ю, уларнинг зиммасига қандай вазифалар юкланади? Шу ҳақда айрим мулоҳазалар 2

Огоҳликка даъват
ЖАҲОЛАТ УЯСИ 3

ДАФТАР ҲАҚИДА БИР ДАФТАР ГАП 4

O`zbekiston havo yo`llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ҲУДУДИЙ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

**ва бандлик дастурларини самарали амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этиш биздан катта масъулият талаб этади. Қолаверса, сиёсий партиянинг жамиятдаги мавқеи электорат манфаати йўлидаги амалий ишлари, воқеа-ҳодисаларга фаол муносабати билан ўлчанади, дея таъкидланди ЎзХДП Сирдарё вилоят ташкилоти конференциясида**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзига хос масалалар эътибордан қолиб кетмаслиги кераклигига конференция делегатлари эътиборини қаратди.

Хўш, буларни ҳал қилишда ХДП ташкилотларининг вазифалари нималардан иборат?

Аввало, ҳар бир бошланғич ташкилот, туман кенгашлари жойлардаги муаммоларни ўрганиб, таҳлил этиб, уларнинг ечими бўйича аниқ таклифлар билан чиқмоғи лозим.

2004 йилда ўтган сайловларда вилоят Кенгаши депутатлигига 20 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 158 нафар ХДП вакили сайланган эди. Бунинг натижасида маҳаллий Кенгашларда партиямизнинг нуфузли депутатлик гуруҳлари ташкил этилди. ЎзХДП вилоят кенгаши партиядан сайланган депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни кучайтириб, уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланишлари зарур.

Партиянинг электорат билан алоқасини мустаҳкамлашда, уларга оид ижтимоий масалаларни ҳал қилишда Жамоатчилик қабулхоналари синалган восита бўлиб қолди. Вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари қошида фаолият юритаётган 12 та Жамоатчилик қабулхонасида ўтган йили 433, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 233 нафар фуқаро қабул қилинди. Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида Олий Мажлис Сенати аъзолари Ҳаётхон Ортиқбоева, Мамарасул Исроилов, вилоят Кенгаши депутатлари Вадим Дубков, Роман Ким, Гулсара Одилова, Сайдулла Абдуқодиров, Ботир Бердалиев, Норбиби Бойтўраева, Евгения Резникларнинг фаол қатнашгани электоратимиз вакиллари кўтараётган масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш имконини бермоқда. Бундан ташқари, партиянинг бевосита корхона-ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органларида ишлаётган фаоллари ҳам аҳоли томонидан кўтарилаётган масалаларни ижобий ҳал қилишда бевосита иштирок этмоқдалар. Шу йилнинг ўзида коммунал тўловларга доир 90 та, иш билан таъминлаш масаласида 26 та, моддий ёрдам сўраб 14 та мурожаат ижобий ҳал қилинган Жамоатчилик қабулхоналарига ишончни яна бир поғона кўтарди, дейишга асос бўлади.

Аммо, айрим депутатлик гуруҳлари фаолияти талаб даражасида эмас. Ўз ҳудудларида уларнинг таъсири сезилмаётир.

Вилоят партия ташкилотлари аҳолини, айниқса, ёш авлодни ҳуқуқий сиёсий билимини оширишни асосий вазифалардан бири деб билади. Партиянинг туман, шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотларида сиёсий ва фуқаролик маърифати ўқувларини йўлга қўйилди. 2008 йилда аҳоли истиқомат жойлари, корхона ва ташкилотларда ўтказилган оммавий сиёсий, маданий тадбирларда 12 мингдан ортиқ фуқаро қатнашгани ҳам шу каби тадбирларга қизиқиш тобора кучайиб бораётганини кўрсатади. Айниқса, Сирдарё иссиқлик-электр станцияси (Ширин шаҳри), Сирдарё электр тармоқлари (Гулистон шаҳри), Янгиер шаҳридаги Шароф Рашидов маҳалласи, Ховос туманидаги темир йўл депоси бошланғич партия ташкилотларида, Сирдарё, Мирзаобод, Ховос туман, Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳар кенгашларида оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган. Бироқ, айрим туманларда, масалан, Гулистон, Сайхунобод туман кенгашларида мафкура ишларига етарли эътибор берилмаётгани, белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетаётгани ҳам бор гап. Кўпгина шаҳар, туман кенгашлари қошидаги ахборот-ресурс марказлари етарли материаллар ва услубий қўлланмалар билан тўла таъминланмаган.

Маълумки, Сирдарё вилояти асосан аграр ҳудуд ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб аталиши қишлоқ жойларда яшовчилар учун айни муддао бўлди. Шу муносабат билан қишлоқ ободончилиги, аҳолига тиббий, маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, янги корхоналар очиш, айниқса, қишлоқ аҳли ўртасида ижтимоий муҳофазани кучайтириш масалаларига доир бир қатор тадбирлар кўзда тутилди. Вилоят, шаҳар ва туманлар партия кенгашлари ҳудудий дастурдан келиб чиқадиган вазифаларни аниқ белгилаб олганди. Ҳозирги вақтда мазкур дастур ижросида фаол иштирок қилиш билан бирга, унинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борилаяпти.

— Партиямиз дастурий вазифаларини бажаришда асосий масъулият депутатлар, депутатлик гуруҳлари зиммасида, — деди мазкур масалада сўзга чиққан **Гулистон давлат университети доценти, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Вадим Дубков.** — Буни яхши англаган депутатлик гуруҳларимиз «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликда вилоят, шаҳар, туман Кенгашларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига доир долзарб масалаларни кўтармоқда.

Афсуски, депутатларимизнинг ҳаммаси ҳам фаол, дея олмаймиз. Айрим депутатларимиз дастурий мақсадларимиз ижроси юзасидан ташаббуслар билан кам чиқаяптилар. Сайловлар даври яқинлашаётгани учун номзод танлашда бундай масалаларни албатта ҳисобга олиш, жонкуяр, фидойи партиядошларимизга суяниш кераклигини таъкидламоқчиман.

— Ортда қолган беш йилда Халқ таълими бўлими, фуқаролар йиғинлари, жамоат ташкилотлари билан яқин алоқа ўрнатдик, — деди **ЎзХДП Боёвут туман кенгаши раиси Раббимкул Ибрагимов.** — Уларда ишлаётган фаолларимиз орқали туман аҳли ҳаётидаги муҳим масалаларни ҳал қилишга ҳаракат қилаяпмиз.

— Бугунги анжуманда бизнинг туман партия ташкилотимиз номига жиддий танқидий мулоҳазалар билдирилди, — деди **Гулистон туманидаги Деҳқонобод шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Дилбар Ҳайитова.** — Сўнгги йилларда ХДП туман кенгашида партиявий-ташкилий ишлар анча оқсагани рост. Бу танқидни биз тўғри тушуниб, керакли хулоса чиқарамиз. Умуман, ишимиз самарали бўлиши учун ўз фаолиятимизга ҳар доим танқидий нуқтаи назар билан қарашимиз керак.

Шунингдек, конференцияда «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Шерзод Бобожонов, Сирдарё иссиқлик электр станцияси бошланғич партия ташкилоти раиси Саидбой Ярибеков ва бошқалар сўзга чиқиб, вилоят партия ташкилотининг беш йиллик фаолиятини таҳлил қилдилар, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни самарадорлигини янада оширишда туман партия ташкилотларининг иштирокини кучайтириш юзасидан таклифларини айтдилар.

Конференция ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳамидулла Назаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари Боймурод Юсупов, Мажиддин Усмонволар қатнашиб, вилоят партия ташкилоти фаолиятини кучайтириш юзасидан фикр юритдилар.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

◊◊◊

ЎзХДП вилоят кенгашининг шу куни бўлиб ўтган ташкилий пленумида Алишер Тошматов партия вилоят кенгаши раиси этиб қайта сайланди.



**Мунаввар ПАРДАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Владимир ГАНЧЕРЕНКО олган суратлар.**

# МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ АНЖУМАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар жамиятимизни янгилаш, миллий ўзликни англаш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Асрларга татигулик ўзгаришлар жараёнида миллий маънавиятимизни тиклаш, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш орқали халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизнинг маҳаллалари, аҳоли пунктлари, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, болаларнинг ёзги оромгоҳлари, ҳарбий қисмларда маданий-маърифий, адабий-бадиий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Уларда олимлар, зиёлилар, маънавият тарғиботчилари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар фаол иштирок этмоқда. Учрашувларда юртимиз тобора обод бўлиб бораётгани, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳоли манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ижтимоий дастурларнинг аҳамияти, бунёдкорлик ишларининг самараси аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилмоқда. Айни пайтда турли ғоявий-информацион хуружлар, миллий манфаатларимиз, менталитетимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан одамлар, айниқса, ёшларимизни асраш, фуқароларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этишга қаратилган учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда.

Маънавият тарғибот маркази ҳамда Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан нашр этилиб, жойларга тарқатилган «Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» қўлланмаси ана шундай маънавий-марифий тадбирлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинарда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда мамлакатимиз, ҳар бир вилоят, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллада истиқлол йилларида амалга оширилган ишлар моҳиятини қиёсий таҳлил асосида очиб бериш, халқимиз, айниқса, ёшлар онги ва дунёқарашидаги ўзгаришлар, улар эришаётган натижаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга ислоҳотларнинг ҳар бир юртдошимиз ҳаёти ва фаровонлигига кўрсатаётган таъсирини аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб бериш, ҳар бир ватандошимиз қалбида мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш, тадбирларни уларни янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шакллар асосида ўтказиш билан боғлиқ ташкилий-амалий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Тадбирда маънавий тарғибот ишларида фаол иштирок этаётган ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, таниқли олимлар, маънавият тарғиботчиларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига**

# ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида пойтахтимизда кенг кўламли қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамоатчилик хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Тошкент экологияси: менинг уйим – шаҳар» шиори остидаги тадбирлар дастурининг амалга оширилиши ҳам шулар жумласидандир.*

Ушбу дастурга мувофиқ, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида «Менинг уйим – менинг шаҳрим» танлови, шунингдек, «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасида энг намунали жамоа», «Энг яхши «Махсустранс» экипажи» ва «Энг намунали маданият ва истироҳат боғи» мавзуида турли танловлар ўтказилди. «Экосан» жамғармасида ушбу танловлар якунларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги корхона ва ташкилотлар, республика жамоатчилик бирлашмалари раҳбарлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва маҳаллалар вакиллари иштирок этди.

Ғолиблар ҳар бир танлов учун ишлаб чиқилган мезонлар бўйича аниқланди. Ирригация хўжалигини сақлаш ва таъмирлаш ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича ихтисослашган бошқарма жамоаси ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасида энг намунали деб топилди. Чилонзор туманидаги «Чин бахт сервис», Юнусобод туманидаги «Мустақил коммунал» ва Мирзо Улуғбек туманидаги «Нурли коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари «Менинг уйим – менинг шаҳрим» номинациясида ғолиб чиқди. «Махсустранс» унитар корхонасининг Учтепа бўлими экипажи «Махсустранс»нинг энг яхши экипажи деб эътироф этилди. «Энг намунали маданият ва истироҳат боғи» танловида Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар қимматли совға ва мукофотлар билан тақдирланди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Мен нега ЎзХДПни танладим?***

# СИЁСИЙ КУЧ САФИДА

***ўз хоҳиш-иродамизни намоён этмоқчимиз, — дейишди партия сафига қабул қилинган ёшлар***

***«Денов ATR» телевидениеси 1991 йилда ташкил этилган. Телевидение вилоятнинг шимолий ҳудуди — Денов, Шўрчи, Олтинсой, Узун ва Сариосиё туманлари аҳолисини янгиликлардан хабардор этиб келмоқда. Жамоада 30 дан ортиқ ижодий ва техник ходим фаолият кўрсатади.***

— Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, кўнгилочар дастурлар халқимизга манзур бўлмоқда, — дейди телевидение директори Шавкат Чоршанбиев. — Ҳозир ҳар куни 9 соат эфир вақтига эгамиз. Мамлакатимиздаги ўзгаришлар, янгиланиш, бунёдкорликни халқимизга етказишда фаол иштирок этишни жамоа ўзининг вазифаси деб билади.

Яқинда ана шу жамоадан бир гуруҳ ёшлар ЎзХДПга аъзо бўлишди.

— Ёшлар — мамлакат келажаги, — дейди тасвирчи Илҳом Абдураззоқов. — Бунга фаолиятим давомида қайта-қайта амин бўлдим. Халқимизнинг бунёдкорлик ишларига бағишланган элликка яқин кўрсатув ва лавҳа, шунингдек, ЎзХДП фаолияти, фаоллари ҳақида ҳам кўпгина кўрсатувлар тайёрладик. Бошқа партияларнинг ҳам фаолиятини ўрганиб, охири ЎзХДПга аъзо бўлишга қарор қилдим.

— Ҳар бир инсон учун ёдда қоларли кунлар бўлади, — суҳбатга қўшилади Собит Қайнаров. — Бугун биз учун шундай дамлардан бири. Партиянинг Дастури билан танишгач, биз — беш нафар ҳамкасб партия сафига ўтишга қарор қилдик. Чунки ХДПнинг мақсади эзгуликка қаратилган. Партия ташкилотлари хайрли, савобли ишларни амалга оширмоқда. Ҳозир жамоамиз партиядошлар сони 10 нафарга етди. Бу сафимиз кенгайиб, хайрихоҳ ва тарафдорларимиз кундан-кун ортиб бораётганининг яна бир белгиси.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Соғлом авлод — соғлом келажак***

# БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

**ёхуд қишлоқдаги мактабгача тарбия муассасаларининг фаолияти бугун қайси мезонлар билан ўлчанади-ю, уларнинг зиммасига қандай вазифалар юкланади? Шу ҳақда айрим мулоҳазалар**

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида замонавий типда қурилган 140 ўринли «Ҳулкар» мактабгача тарбия муассасаси Пахтакор туманидаги Акмал Икромов қишлоғида жойлашган. Айни пайтда ундаги мавжуд 6 та гуруҳга ҳар куни 120-130 нафар бола қатнаяпти. Муҳими, бу ерда болаларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб ўсиб-улғайишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Кенг, ёруғ, шинам хоналар, замонавий юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар, оҳорли чойшаблару турфа хил ўйинчоқлар кичкинтойлар ихтиёрида. Ошпазлар уларни тўйимли ва мазали таомлар билан сийлашаётган бўлишса, мусиқа, тасвирий санъат, хорижий тиллар, спорт бўйича мураббийлар машғулотларнинг мунтазам, қизиқарли ўтишига ҳаракат қилишаяпти.

— Қишлоғимиздаги аввалги болалар боғчаси билан бугунгисини таққослаб бўлмайди, — дейди мазкур мактабгача тарбия муассасасида ўн саккиз йилдан бери мудир бўлиб ишлаб келаётган Меҳри Эшмуродова. — Очиғи, боғчамизнинг эски биноси тўкилай-тўкилай деб қолганди, томидан томчи ўтавериб, поллари чирий бошлаганди. Қишда совуқ, ёзда иссиқ хоналарда бир амаллаб кунни ўтказардик. Караватлар, стол-стуллар оёғи синиб, қийшайиб ётарди. Бугун сўнгги русумдаги яп-янги жиҳозларни кўриб ҳавасинг келади. Ҳар қайси хонада чўғдай қирмизи гиламлар тўшалган. Спорт зали, мусиқа хоналари, ташқаридаги дов-дарахтлар, гулу гулзорлар билан қуршалган соя-салқин майдончаларни айтмайсизми? Ҳар бирини алоҳида эртаклар оламига қиёслаш мумкин. Болаларнинг фикрлаш тарзи, дунёқараши, ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясига нисбатан муносабатларидаги жуда катта ижобий ўзгаришлар-чи? Буларнинг ҳаммаси, аввало, Мустақиллик шарофатидан, деб биламан!

Вилоятнинг чекка бир қишлоғидаги ушбу мактабгача тарбия муассасасини ҳар қандай камчиликлардан холи, айнан рисоладагидай, деб айтиш фикридан йироқмиз. Бу ерда ҳам таълим-тарбия, шарт-шароитларга доир, оқар сув, мутахассис кадрлар, озиқ-овқат таъминоти билан алоқадор айрим нуқсонлар, муаммолар йўқ эмас. Шуниси эътиборлики, аҳил жамоа бу каби масалаларнинг ечимини топиш, жойида ҳал қилишнинг уддасидан чиқаётир.

— Туманимизда «Ҳулкар» сингари ўн бешта мактабгача таълим муассасаси мавжуд, — дейди халқ таълими бўлими мудири Эргаш Тожибоев. — Уларда 1280 нафардан зиёд фарзандларимиз таълим-тарбия олишаяпти. 145 нафар тарбиячиларимизнинг эса аксарияти ўз касбига ихлос қўйган, изланувчан, иқтидорли ёш мутахассислардир.

Тўғри, мавжуд мактабгача тарбия муассасаларининг ҳаммасини бир хилда, намунали дейиш қийин. Уларнинг орасида замонавий типда шинамгина қилиб қурилганлари ҳам, ўтган асрда барпо этилиб, бугун бутунлай қайта қуриш ёки реконструкция қилишга муҳтож бўлиб қолганлари ҳам бор, албатта. Қайсисидадир спорт жиҳозлари ёки юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар камчилиги сезилиб турган бўлса, айримларида мутахассисларнинг етишмаётгани сабабли қийинчиликлар, мураккабликлар юзага келаётир. Буларнинг бари бир бўлиб, ҳар томонлама соғлом ёш авлодни тарбиялашдек эзгу ишларга таъсирини ўтказаяпти.

Бирни кўриб фикр қил, дейишади. Аслида бугун қишлоқлардаги мактабгача тарбия муассасалари қандай бўлиши керак ва уларнинг фаолиятлари қайси мезонлар билан ўлчанади? Бу саволларга ўғил-қизлари юқоридаги болалар боғчасига бораётган бир гуруҳ ота-оналардан жавоб олишга ҳаракат қилдик.

**Муҳсин АЛИМОВ, Акмал Икромов номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси:**

— Ўғлим Давлатжон болалар боғчасининг катта ёшдагилар гуруҳида тарбияланаяпти. Фарзандимнинг тарбияси ота сифатида мени ҳам бефарқ қолдирмайди, албатта. Шу ўринда бир мулоҳазали таклифни ўртага ташламоқчиман. Назаримда, қишлоқдаги мактабгача тарбия муассасаларида болаларга компьютер билан ишлаш бўйича бошланғич тушунчалар беришни йўлга қўйсак, фойдадан холи бўлмасди.

**Олича ХУДОЙНАЗАРОВА, пенсионер:**

— Неварам Давроннинг боғчаси-да бу, ўргилай. Давронжоним ҳар куни эрталаб хурсанд бўлиб кетиб, кечда қувонч билан қайтади. Рус тилини ўрганаяпти. Фарзандларимизга, невараларимизга чет тилларни қанча кўп ўргатсак шунча оз, деб ўйлайман, ўргилай.

◊◊◊

Кўриб турганингиздай, хилма-хил фикрлар, турфа мулоҳазалар. Албатта, биз уларнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ҳакамлик қилиш фикридан йироқмиз. Аммо, бу фикрлар, бу каби мулоҳазалар шуниси билан қимматлики, уларни фарзандлари ёки невералари бугун болалар боғчасига қатнаётган ота-оналар, буви ёки бувалар айтишаяпти. Демак, улар ўғил-қизлари, невараларининг эртанги кунига, бинобарин, юртимиз келажагига нисбатан бефарқ, лоқайд эмас. Бу жуда катта гап, эътиборга молик ҳолат.

**Энди иккинчи ўрта гуруҳда тарбияланаётган беш ёшли Феруза ТОШПЎЛАТОВАнинг гапларини эшитайлик-чи:**

— Боғчамизда ҳамма нарса яхши-ку, шу, шу... ухлатиши ёмон-да. Янами? Яна кўп-кўп ўйнатса-да. Мана бунча-а ўйинчоқлар бўлса (қўлларини кенг ёйиб кўрсатади)! Гимнасни яхши кўраман (бадиий гимнастика демоқчи). Катта бўлсам гимнас бўламан... Гўзал опамларга ўхшаб тарбиячи бўламан. Сувни, сув байрамини яхши кўраман. Чўмилишни яхши кўраман. Мазза... Яна...

У қалбидаги олам-олам орзу-ўйлари ҳақида узоқ сўзлади. Нимаям дердик? Бола-да, орзуга айб йўқ. Аслида, бу орзуларнинг рўёби учун сизу биз — катталар масъул.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Огоҳликка даъват

# ЖАҲОЛАТ УЯСИ

Ислом дини кишиларни энг юксак инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашини, инсонпарварлик, адолат, ҳалоллик, олижаноблик, ахлоқни тарғиб этишини яхши англаб етмоғимиз лозим. Шу билан бирга, ислом тарихидан хабардор бўлиб, ватандош уламоларимизнинг ислом тараққиётига қўшган буюк ҳиссасини билмоқ ҳар қайсимиз учун муҳим вазифа ҳисобланади.

Дини исломнинг маънавий-тарбиявий аҳамияти баланд бўлгани учун доим унга юксак баҳо бериб келинган. Ислом илмларини ривожлантириш, тарғиб этиш йўлида фидойилик кўрсатган олиму фузалолар эса элу юрт ардоғида бўлган. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ислом динининг эзгу ғояларини тўғри тушуна олмайдиган нодон кимсалар барча замон ва маконда мавжуд. Ислом дини тарқала бошлаган илк замонда, хусусан, Али ибн Абу Толиб ҳукмдорлиги йилларида илк бор динни нотўғри тушуниш оқибатида турли фирқаларга бўлиниш юз берган эди. Бугунги кунимизга келиб ана шундай фирқа ва гуруҳлар сони ортди. «Ҳизб ут-таҳрир», «Акромийлик», «Тавба», «Ҳизбуллоҳ», «Ислом лашкарлари» каби фирқалар шулар жумласидандир. Улар ислом динига хизмат қилаяпмиз, дея даъво қилишса-да, фаолиятлари аслида жаҳолатни авж олдириш эканлиги ҳаммага маълум.

Айниқса, «Ҳизб ут-таҳрир» фирқаси ўта радикал фаолияти, ўз мақсадини амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаслиги билан ажралиб туради. Ушбу фирқани 1953 йилда Тақийиддин Набахоний тузган. У Иорданиядаги «Ал-ихван ал-муслимин» диний-сиёсий экстремистик ташкилотининг раҳбарларидан бири сифатида ўз сафини кенгайтириш мақсадида айрим ландавур, ишсиз, қарзга ботган кишиларни қасам ичириш йўли билан ўз домига тортади.

Ғўрлиги туфайли адашиб, бу оқим йўлига кириб қолган ёшлар фирқа етакчиларининг ичган қасами билан қўрқитиши оқибатида гуруҳни тарк эта олмайди. Чунки қасам шариатда ўта масъулиятлидир. Аммо унутмаслик керак-ки, қасам фақат эзгу ишларга ичилсагина ҳақиқий саналади. Қолаверса, алдов йўли билан ичилган қасам лағв қасам бўлиб, эътиборга олинмайди. Айрим фирқа аъзолари ана шу ҳақиқатдан бехабар. Улар қасамни бузишдан ёки бўлмаса тепаларида турган раҳбарларининг дўқ-пўписаларидан қўрқиб, фирқадан чиқиб кета олмайди. Ваҳоланки, оқил инсонлар қатори фақатгина Аллоҳ таолодан қўрққанларида бундай аҳволга тушмас эдилар.

Фирқа аъзоларини кузатар экансиз, уларнинг билимсизлигига гувоҳ бўласиз. Аслида Ҳадиси шарифда: «Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир», – дея таъкидланган бўлсада, «Ҳизб ут-таҳрир» раҳбарлари фирқа таркибидаги ёшларнинг илм олишларига қарши турадилар.

Эътибор берилса, фирқа аъзоларининг аксарияти илм олиш, оила қуриш ёшидаги ғўр ва тажрибасиз йигитлар. Бу, албатта, кишини ташвишлантиради. Аъзолар илм олиш билан ҳақиқатни тушуниб етишлари ва оила қуриш билан бу фирқани тарк этишларидан қўрқиб, илм олиш ва нафақаи аҳли аёл фарзлигини тушунтирмайдилар. Балки доимо илмдан, оиладан ва ота-онадан бездиришга ҳаракат қиладилар. Юқоридагилардан чиқадиган хулоса шуки, фирқа раҳбарлари ўзларининг ғаразли мақсадлари, бузғунчиликлари йўлида ҳатто дин аҳкомларини ҳам поймол этмоқдалар.

Шундай экан, азиз юртдошлар, жаҳолатга бошловчи фирқаларнинг фитнасидан огоҳ бўлайлик. Огоҳлик бугун давр талаби эканлигини унутмайлик!

**Олимжон ЖАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бош имом-хатиби.**




## НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ
### тинч йўл билан ўтказилади



Гондурасда 28 июнь куни ҳарбий давлат тўнтаришини амалга ошириб, ҳокимиятни эгаллаган «путча» тарафдорларига қарши жамоат ташкилотларининг оммавий норозилик намойишлари бошланди.

Мамлакатнинг турли ҳудудларидан пиёда пойтахтга қараб йўл олган намойишчилар Гондураснинг конституциявий раҳбари, давлат тўнтариши натижасида тахтдан ағдарилган, айни пайтда хориждан бошпана топган собиқ президент Мануэл Селай ўз лавозимига қайтарилишини талаб қилмоқдалар. «Путча» тарафдорларига қарши ўз талабларини шу кўйи илгари сураётган намойишчилар бу акцияни тинч йўл билан ўтказиш тарафдоридир. Улар полиция билан тўқнашишни истамайдилар, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида.

Яна бир гап. Америка давлатлари ташкилоти Гондурасда амалга оширилган ҳарбий давлат тўнтариши натижасида юзага келган сиёсий инқирозни тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида кейинги ҳафта Гондурасга ўз делегациясини жўнатишни мўлжаллаб турибди.

## ДАВЛАТ ТАСАРРУФИГА ЎТКАЗИЛИШИНИ
### талаб қилмоқдалар

Россия «АвтоВАЗ» очиқ акциядорлик жамиятининг бир неча минг ишчиси Тольятти марказида норозилик митингини уюштириб, Россия президенти ва бош вазири номига ёзма мурожаатнома қабул қилиб, заводни давлат тасарруфига ўтказиш талабини ўртага ташладилар.

Ишчиларнинг айтишича, «АвтоВАЗ» раҳбарияти давлат томонидан кўмак ажратилаётганига қарамай, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонани беталафот бошқаришнинг уддасидан чиқолмаяпти.

Маълумки, «АвтоВАЗ» ОАЖ бошқаруви 22 июлда завод конвейерини август ойи давомида бутунлай тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилган ва 1 августдан завод фаолиятини тўхтатган эди. Бу давр мобайнида ишчиларга ойлик маошнинг учдан бир қисми тўлаб турилади, холос. Сентябрдан эса завод фаолияти яна қайта йўлга қўйилади, аммо ҳафтада 20 соатлик иш куни жорий этилади. Демак, маошлар миқдори яна камаяди. Бу эса ишчилар норозилигини кучайтирмоқда.



# ШАҲАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА





***Самарқандда бўлиб ўтадиган анъанавий «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали муносабати билан шаҳардаги барча тарихий обидалар қатори Гўри Амир мақбараси ҳам ўзгача чирой касб этмоқда.***

Бу ерда «Максимум-Рим», «Меъмор 96», «Баҳс» каби қурилиш фирмалари бунёдкорлари мақбара атрофи деворларини кошинлаш, гумбазларга нақш бериш, йўлакларга мармар плиткалар ётқизиш ишларини сифатли бажармоқда.

**Суратларда:** (чапдан) усталар Неъмат Хўжаев ва Баҳрулло Рамазиев; ободонлаштириш ишларидан лавҳа.

**Тоҳир Норкулов (ЎзА) олган суратлар**

## 27 МАМЛАКАТ АҲОЛИСИ
### 2,1 миллионга кўпайди

«Евростат» статистика агентлиги маълумотларига қараганда, Европа Иттифоқига аъзо 27 та мамлакат аҳолиси сони жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 499,8 миллион кишига етди. Бир йилда кўпайиш 2,1 миллион кишини ташкил этди. Бу 2008 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 0,4 фоизга кўпдир.

Агентлик ҳисоботларида қайд этилишича, Европа Иттифоқида демографик вазият 2004 йилдан бу ёғига яхшиланиб бормоқда, ҳар қалай ўсиш суръатлари кузатилмоқда.

2008 йилда 5,4 миллион чақалоқ дунёга келган бўлиб, бу ҳар минг аҳолига ўртача 10,9 тага тўғри келади (2007 йилга нисбатан ўсиш 0,3 фоиз). Ҳаётдан кўз юмганлар сони эса 4,8 миллион кишини ташкил этган.

Туғилиш даражасининг ўсиши Германиядан ташқари ЕИга аъзо барча давлатларда қайд этилди. Литва, Ирландия, Кипр ва Польшада энг кўп туғилишни, Германия, Мальта ва Францияда ўлим даражасининг юқорилигини кузатиш мумкин.



«Евростат» маълумотларига кўра, ЕИнинг аҳолиси кўп давлатлари Франция (64,6 миллион киши), Буюк Британия (61,6 миллион киши), Италия (60,1 миллион киши) ва Испания (45,8 миллион киши) ҳисобланади.

## Иқтисодиёт ва ислоҳот

# МИЖОЗЛАР МИННАТДОРЛИГИ – МИСОЛИ МУКОФОТ



— Қандай хизмат кўрсатаётганимизни, ютуғу камчиликларимизни мижозлар холис баҳолашади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Андижон вилоят бўлими бошқарувчиси Ғофуржон Абдураҳмонов, — уларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутсангиз, ҳақиқий аҳволни, қандай ишлаётганимизни билиб оласиз.

Қабулга кирган киши тортиниб тургани учун гапни бошлиқнинг ўзи бошлади.

— Кўнглингиздагини айтаверинг, тўғри тушунамиз. Муаммо бўлса, ечимини топишга ҳаракат қиламиз.

Раҳбарнинг самимий сўзлари ёқдими, мижознинг қулфи-дили очилди.

— Ҳузурингизга ишим битмади, деб арз қилгани эмас, миннатдорчилик билдиргани келдим. Мутахассислар мурожаатимни диққат билан эшитиб, маслаҳат беришди. Зарур ҳужжатларни топширганимдан сўнг кўп ўтмай кредит маблағи ажратилганидан хурсандман. Бунгача, тўғриси, кредитни саноқли кунларда олишни кутмагандим. Банк ходимларининг эътиборли муносабатию хизматидан кўнглим тўлди. Раҳмат.

Мижознинг дил сўзларини эшитиш мукофотдек мароқли эди.

— Чеварлик билан шуғулланувчи Роза Обидова кредит эвазига тадбиркорлик йўлини тутганлардан, — дейди кредит бўлими бош мутахассиси Ферузахон Ҳожиматова. — Муҳими, кредит маблағини вақтида қайтариши ишончни мустаҳкамлади. Янги, замонавий тикувчилик дастгоҳ-ускуналари сотиб олишга ажратган кредитимиз тадбиркорга асқотди. Фаолиятини кенгайтиришга, янги иш ўринлари яратишга муваффақ бўлди.

Марҳаматлик тадбиркор Маҳфузахон Йўлдошева чинни-пиёлалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишида ҳам берган кредитимиз фойда келтирди. Бир неча қишлоқ хотин-қизлари иш ўрнига эга бўлди.

**1**

Миллий банк Андижон вилоят бўлими томонидан мамлакатимиз Президенти Фармонларию қарорлари ва ҳукумат дастурлари ижросини таъминлашга, банк фаолияти бўйича режа кўрсаткичларига эришишга қаратилган кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят бўлими бўйича 1 июль ҳолатига жами 11 миллиард 754,0 миллион сўм миқдорида, шу жумладан, банкнинг коорпоратив мижозларига 3 миллиард 123 миллион сўм кредит ажратилди. Берилган кредитлар иқтисодиётни ривожлантиришнинг зарур жабҳаларига йўналтирилганлиги эътиборга моликдир.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича жорий йил бошидан 59 та мижозга 3 миллиард 929 миллион сўм ва 1 миллион 80 минг 725 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. «Андижон-Оқ йўл», «Азиз Андижон», «Бебаҳо қурилиш», «Саҳоват-текс», «Водий пахтаси» масъулияти чекланган жамиятлари фаолиятини ривожлантириш, «Облоқул ғалабаси», «Шодлик шабнами», «Раҳмат ҳожи» фермер хўжаликларига «Класс»доминатор» дон ўриш комбайнлари сотиб олишларига кредит берилди. Бу маблағлар ҳисобига 363 та янги иш ўрни яратилди.

**2**

Президентнинг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича вилоятдаги хўжалик юритувчи субъектларга балиқчилик, асаларичиликни ривожлантиришга, минитехнологиялар сотиб олишга, иссиқхоналар барпо этишга, савдо дўконлари қуришга кредит ажратишга банк бўлими ва филиаллари ҳамиша пешвоз. «Шокиров Маҳаммадисо», «Хўжаариқ зилол сувлари», «Дил Муроди саховати», «Фермер-94», «Мирзажон Бўтабоев» сингари фермер хўжаликлари, Мавлуда Валиева, Зуҳра Сатторова каби хусусий тадбиркорларга турли миқдорда кредитлар берилиши катта мадад бўлди. Янги қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олишларига, балиқ маҳсулотлари, турли сабзавот,



**3**

ноз-неъматлар етиштиришларига имконият яратди. «Андижонёғмой», «Асакаёғ» очиқ акциядорлик жамиятларига кунгабоқар етиштириш учун ажратилган кредитлар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўлами ва турининг кўпайишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг тегишли қарорига кўра Миллий банк вилоят бўлими ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга жами 5535 миллион сўм кредит йўналтирди. Бу «Асака-текстиль», «GESTIVA» сингари қатор корхоналарда ишлаб чиқариш такомиллашуви, маҳсулотлар миқдори ва сифатининг ортишида ўз самарасини намоён этди. 71 та янги иш ўрни яратилди.

Президентнинг «Ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан вилоятдаги ёш оилаларга 102 миллион сўм ипотека, 47,3 миллион сўм истеъмол кредити ажратилиши кўпларни қувонтирди.

**4**

Шояд Рустамов ва Зебо Рустамова ёш ўқитувчилар оиласи. Улар ипотека кредити ҳисобига Андижон туманидаги кўп қаватли уйлардан квартира сотиб олишди. Алишер Алғозиев, Гулниҳол Исоқова каби ёш оила соҳиблари истеъмол кредити эвазига уй-рўзғор буюмлари харид қилишди.

Аҳолининг пластик карточкалардан фойдаланиши қулайликлардан бири сифатида ҳаётда ўз ўрнини топмоқда. Пластик карталар эмиссияси жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 78347 тага, терминаллар ўрнатишни 160 тага етказиш белгиланган бўлиб, ҳозиргача 78513 та пластик карта эмиссия қилинди. Ўрнатилган терминаллар сони 250 тага етди.

Шу йилнинг 1 июль ҳолатига жами 5318 миллион сўм аҳоли бўш маблағи омонатларга жалб қилинди. Ушбу кўрсаткич жорий йилнинг 1 январига нисбатан 735 миллион сўмга кўпайганлигини кўрсатади. Бу аҳоли ўртасида омонатлар афзалликлари, фойдаси ҳақида тушунтириш тадбирларининг олиб борилгани билан боғлиқ.

Банк бўлими ҳамда филиалларида чет эл валютасида пул ўтказиш хизматининг янги турларини татбиқ қилишга эътибор қаратилган. Шохобчаларни кўпайтириш, хизматларни кенгайтириш, замонавий техника, алоқа линиялари билан таъминлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. 2009 йилнинг 1 июль ҳолатига халқаро пул ўтказмалари хизмати бўйича олинган банк даромади 63723,9 АҚШ долларини ташкил қилди.

Эришилган натижаларнинг салмоғи мижозларга эътиборли муносабат, кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш туфайлидир. Бу «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиорининг ҳаётга татбиқ этилаётганини тасдиқлаб турибди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Суратларда:** *Миллий банк Андижон вилояти бўлими биноси; кредит бўлими бош мутахассиси Ферузахон Ҳожиматова иш пайтида.*

**Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.**

**5**

# ДАФТАР ҲАҚИДА БИР ГАП

**«Матбуотда энг кўп кўтариладиган мавзу» деган сўров ўтказилса, қандай натижа бўларди? Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Лекин шу мақоладан келиб чиқиб хулоса қилсам, энг кўп кўтариладиган мавзулардан бири: китоб-дафтар мавзуси (айниқса, дафтарлар муқоваларидаги бепарда суратлар).**

*Китобимиз — сўзимиз,*
*Дафтаримиз — юзимиз.* !

Назаримда, янги ўқув йили бўсағасида дафтар масаласи, унинг сифати, мафкураси, нархи долзарблик касб эта бошлайди. Ота-оналар изир югуриб, болалари учун «дафтар-қалам» йиғишга тушишади. Бу дафтар-қалам деган гап оғизнинг бир чеккасидан чиқиб кетади, лекин аёлингиз уйда ёзиб берган рўйхат узундан-узун: 12 варақли дафтар — катагидан..., тўғри чизиғидан..., 48 варақлигидан..., 96 варақлигидан, расм дафтар, кундалик дафтари, рейтинг дафтар... Яна нечтаси «российский», нечта «турецкий», қайтимига «местний» деб қўйганига нима дейсиз!

Яна ўзимнинг кузатишларим бўйича ўйлайман: биздаги дафтарларнинг тахминан 50 фоизи четдан келади, 40 фоизи ўзимизнинг хусусий босмахоналарда чоп этилади (уларнинг сифати талаб даражасида эмас, лекин нархи арзон). Тахминан 10 фоизи давлат нашриётларида юксак сифат билан, муқовалари ҳам қадриятларимизга мос, замонамизга монанд қилиб тайёрланади. Лекин мана шу 10 фоиздан ташқариси сифати ва нархидан қатъи назар қайсидир жиҳати (бирининг сифати, иккинчисини бепарда сурати ва ҳ.к.) бугунги ҳаётимиз талабларига мос келмайди.

Шу ўринда бир нарсани эслаб ўтишни жоиз топдим, бундан 7-8 йил бурун биз ўз нашриётимизда россиялик ҳамкорларимиз билан биргаликда дафтар чоп этадиган тизим ўрнатгандик. Муқовасини Навоий, Бобур, Усмон Носир, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Ғафур Ғулом, Ойбек ижодидан олинган шоҳ сатрлар билан безаклаб дафтарлар чоп этдик. Лекин тезда бу қўшма корхона ёпилиб кетди. Чунки бизнинг маҳсулотларга талаб энг аввало кам эди, ҳамма (болалар-ку майли, ота-оналар ҳам) ўша чет эллик эстрада, кино, спорт юлдузлари сурати туширилган дафтарларга ишқибоз экан. Бу биринчи нохуш ҳолат бўлди, иккинчиси бизнинг маҳсулотнинг таннархи қиммат эди. Кейин ўргансак, четдан қоғоз, картон, бўёқ, пластина ва ҳоказо хомашёни олиб келиб ундан дафтар чиқаргандан кўра, тайёр дафтарни олиб келиш арзон тушаркан. Божхона тўловлари ва бошқа сарф-харажатларда катта фарқ бор. Ўзимизда ишлаб чиқарувчи четдан қоғоз, картон каби хомашё олиб келганига 30%, тайёр дафтар олиб келиш учун эса 5% бож тўланар экан. Москвалик ҳамкасбларимиз тезда кўч-кўронларини кўтариб жўнаб қолишди. Кейинроқ бу иш билан яна қизиқиб кўрдик. Четдан келганлар-ку майли, ўзимиздаги «частниклар» — хусусий босмахоналарнинг маҳсулоти нархи ҳам биздан анча паст эди. Чунки улар энг арзон қоғозларни ишлатиб, эски ускуналарда тайёрлашар экан. Шунга яраша маҳсулот, уларнинг таъбири билан айтганда, «вилоятларга, қишлоқларга, ночорроқ оила болалари чўнтагига мос».

Ҳозир ҳам вилоятларга аксарият мана шундай маҳсулотлар — газета қоғозига босилаётган дафтар ва бошқа канцелария маҳсулотлари кичик босмахоналар орқали етказилмоқда. Бу маҳсулотларнинг сифати, тиражи, энг муҳими — мафкураси қандай бўлаяпти экан? Айрим ота-оналар болаларининг илм олишига пул сарфлашга оғринади. Маъно-матраси йўқ, сифатсиз бўлса-да арзон дафтар сотиб олиб, пулни «эконом» қилишни ўйлайди.

**Долзарб мавзу**

Ўз исми-шарифини тўғри ёзишни билмаган хусусий босмахона бошлиғи (аслида буни хусусий босмахона деб ҳам бўлмайди), тўғрироғи, хусусий станок эгаси атрофига ўзига ўхшаган уч-тўрттасини йиғадида, иш бошлайди. Қиш бўйи, баҳор бўйи «ётиволиб» дафтар, расм дафтар, кундалик, ҳатто рейтинг дафтари босади. Ахир булар халқ таълими муассасаларининг буюртмаси бўлиши керак эмасми? Кейин «мавсумда» (июль, август ва сентябрнинг боши) «КамАЗ-КамАЗ» маҳсулотни вилоятларга жўнатади. Давлат нашриётларида 400-500 киши ишлайди. Табиийки, ёндашув ҳам, хомашё сифати ҳам, мутахассис малакаси ҳам, безалиши ҳам юқори бўлади. Юқори малакали меҳнат сарфининг баҳоси ҳам шунга яраша бўлиши керак. Нархдаги фарқ мана шундан келиб чиқади.

Тўғри, хусусий босмахоналарнинг ҳаммаси ҳам бир хил эмас. Улар ичида бугунги юксак техника ва технологияни эгаллаган малакали кадрлар, сифатли маҳсулот чиқарадиганлар оз эмас. Лекин, бундай малакали корхоналарнинг аксарияти дафтар босмайди. Улар ўз малака ва салоҳиятларига мос жиддий иш билан шуғулланишади.

Демак, тан олиш керакки, дафтарбозлик (тавба, каптарбозликка ўхшаб кетар экан-а) энг эътиборсиз, чўлтоқ қўл билан ҳам уддаласа бўладиган иш экан-да.

Сифатсиз, саёз, олди-қочди, маҳсулотларнинг юзага келишининг бош сабаби ана шу эътиборсизлик, назоратсизликда эмасми?

Нега кейинги қатор йилларда мактаб дарсликлари тендер асосида тайёрланиб, дизайн қилиниб, кейин чоп этилади-ю, бу нарса дафтарга жорий этилмайди? Дарсликларга қандай талаблар қўйилишини биласизми? Ҳар бир синф учун ўша синф ўқувчиларининг умумий ақлий, жисмоний ҳолати, имконияти, кўзининг қуввати ҳам ҳисобга олинади. Ранглар, бўёқлар, қоғознинг оқлиги, қалинлиги шундан келиб чиқиб белгиланади. Ҳатто ҳар бир синф ўқувчиси учун дарсликнинг бичими, оғирлигигача тарозига солинади. Китоб тикилганлиги, ранги, пишиқлиги, узилиб кетиш-кетмаслиги ҳам текширилади, қанча елим кетиши ҳисобланади. Ҳатто китобнинг бирор жойида арзимас доғ ёки чизиқ тушиб қолган бўлса нашриёт жарима тўлайди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Дарсликдаги ҳарфларнинг катта-кичиклиги, қаторлар ораси, абзацлар ўлчами, қатордан кейинги сатрлар ораси, ҳарфлар ва улар орасидаги масофа махсус ўлчагичларда текширилади.

Энди тасаввур қилинг, мана шундай минг чиғириқдан ўтган ўта сифатли, бекаму кўст китобни ўқиган бола худди унинг тескариси бўлган дафтарга ёзиши керак. Китобдан Алишер Навоий қараб турсалар-да, уларнинг ўгитлари масалан, Мадонна ёки ВИАГранинг очиқ-сочиқ сурати туширилган дафтарга кўчирилса...

Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, биздаги барча ўқув муассасалари ва улардаги ўқувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб, бир ўқув йилига ўртача 400 миллион нусха дафтар кетаркан. Бу энг арзон нархлар билан ҳисоблаганда ҳам 10 миллиард сўмдан ошиб кетади. Бу энди масаланинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий жиҳати. Унинг маънавий жиҳатига келсак, 400 миллион нусха дафтар дегани беқиёс, улкан маънавий, ғоявий куч, майдон ёки аксинча бўшлиқ дегани эмасми? Мана гап қаерда!

Ҳозир ҳукумат даражасида бу ишга эътибор кучайди, чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўйлаймизки, бу масалага ўқитувчилар, ота-оналар ҳам бефарқ қарашмайди. Замонамизга, қадриятларимизга мос, сифатли дафтарлар кўпайса, фақат тарбияга, маънавиятимизга хизмат қилади.

**Аҳрор АҲМЕДОВ,**
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири.**



# ХОНГУЛЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА



Беруний туманида жойлашган «Бадай-Тўқай» қўриқхонаси мамлакатимиздаги йирик қўриқхоналардан бири бўлиб, айни пайтда бу ерда ноёб ўсимлик ва жониворларни сақлаш, уларни янада кўпайтириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

— Қўриқхона ҳудудида 160 дан ортиқ камёб ўсимликлар, 94 турдаги қушлар, 12 хил сут эмизувчилар, 16 хил балиқлар ва 11 хил судралиб юрувчи жониворлар мавжуд, — дейди қўриқхона бош инспектори Бахтиёр Султонов. — Қўриқхонага 1976 йили 3 та Бухоро буғуси (хонгул) келтирилган эди, ҳозир улар 400 бошдан ортди.

Бу ерда 24 нафар ходим ўсимлик дунёси ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаш йўлида меҳнат қилмоқда.

***Суратларда:** «Бадай-Тўқай» қўриқхонаси инспектори Жонобой Нуралиев, қўриқхонада сақланаётган жониворлар.*

**Арслон Канназаров (ЎзА) олган суратлар.**

# «ОЛТИН» МУҚАДДАСДА, «КУМУШ» ИКРОМДА!..

1st ASIAN MARTIAL ARTS GAMES
BANGKOK 2009

Таиланд пойтахти Бангкокда спортнинг яккакураш турлари бўйича бўлиб ўтаётган 1-Осиё ўйинларида спортчиларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишиб, муросасиз жанглардан кейин бирин-кетин мусобақанинг шоҳсупасига кўтарилишяпти.

Қитъамизнинг ушбу нуфузли мусобақасида 45 та қитъадош мамлакатдан 2500 нафарга яқин спортчи қатнашяпти. Шуниси қувонарлики, мусобақага киритилган барча турларда спортчиларимиз иштирок этишяпти.

Спортчиларимиз муваффақиятли одимини ўзбек кураши усталари давом эттиришди. 48 кг. вазнда гиламга чиққан Муқаддас Кубеева рақибларини кетма-кет енгиб 1-Осиё ўйинлари олтин медали билан тақдирланди. Бу юртимиз вакилларининг Осиё ўйинларидаги дастлабки олтин медали ва қадриятларимизнинг узвий қисми бўлган ўзбек курашининг катта ғалабаси сифатида спорт тарихимиздан ўрин эгаллайди.

Курашнинг 100 кг. дан зиёд вазнли полвонлари ўртасида Икром Нуруллаев кумуш медаль билан кифояланди. Чунки унинг финал жангида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Лекин охирги олинган очко қоидасига кўра ғолиблик рақибига берилди.

Навбат 90 кг. вазн тоифаси мусобақаларига келди. Унда Шерали Жўраев ғолиб чиқиб, курашчиларимиз жамғармасига иккинчи олтин медални келтирди. Гулмира Исматова эса бронза медалига сазовор бўлди.

Жиу-житсунинг 85 кг. вазн тоифасида қатнашган Элёрбек Акбаров таиландлик ва покистонлик рақибларини йирик ҳисобда мағлубиятга учратди. Бироқ Акбаров финалда ироқлик спортчига кичик ҳисобда ютқазиб, кумуш медаль билан қаноатланди. Пенчак силат мусобақаларида Жамолиддин Салимжонов ва Бахтиёр Норовга бронза медали насиб этди.

Кеча таниқли кикбоксингчимиз Алишер Абдуллаев кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, моҳир муайтайчимиз Мавлонбек Қаҳҳоров 67 кг. вазнда тенгсиз эканлигини исботлади ва юртимиз олтин медаллар сонини учтага етказди. Муайтайчиларимиздан Фирдавсий Холмуродов ва Шерзод Шарипов бронза медалига эгалик қилишди.

Каратэчимиз София Каспулатова бронза медали билан кифояланди.

Яккакураш турлари бўйича ўтказилаётган 1-Осиё ўйинларининг ёпилиш маросими эртага ўтказилади.

**Асрор МЎМИН**

(Боши 1-бетда)

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШЛАШ ИСТАГИДА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



Чет элларда қонуний асосда меҳнат қилишнинг тартиблари тўғрисида маълумотлар олиш, турли шубҳали жисмоний ёки юридик шахслар томонидан хорижда ишга жойлаштириш борасида билдирилаётган таклифларга аниқлик киритиш, шунингдек, одам савдосига йўл қўймаслик мақсадида республикамиз фуқароларидан Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида ташкил этилган қуйидаги «Ишонч телефонлари»га мурожаат қилишингизни сўраймиз.

**Ишонч телефонлари: 8(371)-232-27-88; 8(371)-252-13-61.**

**Солиқ**

# БОЛАЛИКДА ОЛИНГАН БИЛИМ...

Болаликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир, деб бежиз ёзилмаган. Шунинг учун Давлат солиқ қўмитаси мактаб ёшидаги болалар ўртасида солиққа оид тушунчаларни шакллантиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Яқинда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Камалак», «Нилуфар», «Семурғ», «Зангори олов» ҳамда «Автомобилчи» оромгоҳларида «Солиқ ҳақида сиз нимани биласиз?» викторинаси ўтказилди. Болалар унда ижодий ишлари ва саҳна кўринишлари билан қатнашдилар. Иккинчи босқичда эса солиқлар ҳақида қандай тушунчага эга эканликларини намойиш этдилар.

Тадбир сўнггида ташкилотчилар томонидан ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

**Санжар ҚУРБОНМУРОТОВ,**
**Тошкент вилояти ДСБ Ахборот хизмати.**

# ПЕШКУНИНГ АФШОНАСИ БОР

**Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино юрти — Пешку туманида Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрамига тайёргарлик ишлари қизғин бораяпти. Аллома туғилиб ўсган Афшона ва туман марказига олиб борувчи йўлнинг атрофи ободонлаштирилди. Ибн Сино музейи қайта таъмирланиб, юзлаб янги экспонатлар билан бойитилди. Ибн Сино номидаги тиббиёт коллежида байрамга алоҳида тайёргарлик кўриляпти.**

**Тараддуд**

— Бугун қайси қишлоқ ва маҳаллага борманг, қизғин меҳнатнинг гувоҳи бўласиз, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Эркин Холов. — Ҳамма ерда яратувчилик, ободонлаштириш изчиллик билан давом этмоқда. Бунда сафдошларимиз ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда.

Туманнинг «Қалаймиришкор» қишлоқ фуқаролар йиғинида эртаиндин байрам тантаналари бошлаб юборилади. Бу ерда 570 ўқувчига мўлжалланган қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилади. Уч қаватли бу ҳунар масканига қараб, ҳавасингиз келади.

— Бу коллеж ўзига хос меъморий ечимга эга, — дейди «20-трест» МЧЖ иш юритувчиси Жаъфар Сатторов. — Бино ичидаги қулайликларни айтмайсизми? Ана шундай иншоотларни бунёд этаётганимиздан фахрланамиз.

— Байрам арафасида, — дейди тумандаги 14-мактаб директори Шуҳрат Мирхонов, — билим даргоҳимиз маънавият ва маърифат хонаси Осиё Тараққиёт банкининг 2000 АҚШ доллари маблағи ҳисобига компьютер мажмуи, «Ўзбек миллий энциклопедияси»нинг тўлиқ нашри билан бойиди. Қарийб 700 нафар ўғил-қизлар ўқийдиган бизнинг мактабимиз қатори яна тўртта мактаб ҳам шундай имкониятга эга бўлди.

Зандани туманнинг қадим масканларидан бири. Бу ерда ҳам ўзгаришлар катта. Бу қишлоқда коллеж, мактаб, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари фақатгина мустақиллик йилларида вужудга келди. Умуман олганда, туманда янгидан 5 та касб-ҳунар коллежи, ўнлаб мактаб, 25 та ҚВП истиқлол даврида қад ростлади. Туманда қўшма корхона, ишлаб чиқариш тармоқлари фаолият кўрсатяпти. Буларнинг барчаси аҳоли турмуш тарзининг тубдан яхшиланишига хизмат қилаяпти. Хуллас, вилоятнинг энг чекка туманидаги бу ўзгаришлар Истиқлол берган неъмат сифатида кишилар кўнглини хушнуд этаяпти.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# «POYTAXT AUKSION»

**davlat unitar korxonasi**

2009-yilning 10-sentabr kuni o`tkaziladigan auksion savdosiga Toshkent shahar hokimligi Binolardan foydalanish departamenti tasarrufidagi Toshkent sh., Chilonzor tumani, Chilonzor 8-mavzesi, 58-uyda joylashgan, 4 qavatli binoning 1-qavatidagi umumiy maydoni 93 kv.m.ga teng bo`lgan bir qismi. Boshlang`ich narxi 49 224 711 so`m, zakalat miqdori 9 845 000 so'm;

Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani, Bobur ko`chasi, 14-uyda joylashgan, «TOSHKENTBOSHPLANLITI» DUK tasarrufidagi – 1996-y. i/ch, d/r 10AO081, «ДАМАС» rusumli, boshlang`ich bahosi 3 500 000 so`m, zakalat miqdori 700 000 so`m, 2000-y. i/ch, d/r 10AO057 «ДАМАС» rusumli, boshlang`ich bahosi 4 000 000 so`m, zakalat miqdori 800 000 so`m, 2000-y. i/ch, d/r 10AO056 «ДАМАС» rusumli, boshlang`ich bahosi 4 500 000 so`m, zakalat miqdori 900 000 so`m; 1988-y. i/ch, d/r 10AW157 «УАЗ-330301» rusumli, boshlang`ich bahosi 2 200 000 so`m, zakalat miqdori 440 000 so`m.

Toshkent shahar, Yunusobod tumani, A.Temur ko`chasi, 108-uyda joylashgan, «Toshkent axborot texnologiyalari universiteti» DUK tasarrufidagi - 1983-y. i/ch, d/r 10AE194 bo`lgan «Москвич 2137» rusumli, boshlang`ich bahosi 350 000 so`m, zakalat miqdori 70 000 so`m bo`lgan avtotransport vositalari qo`yilishini ma'lum qiladi.

Savdolarda qatnashish uchun yuqorida ko`rsatilgan miqdordagi zakalat puli «POYTAXT AUKSION» davlat unitar korxonasining ATIB «Ipoteka-bank» Shayxontohur filialidagi FA 00425, STIR 204399967, 20210000004243151002 hisob raqamiga o`rnatilgan tartibda to`lanadi. Savdolar soat 11:00da boshlanadi.

Buyurtma qabul qilish savdo kunidan bir kun avval soat 18:00da to`xtatiladi.

Savdo g`olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzilgunga qadar to`langan zakalat miqdori, sotib olish to`lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda yetishmayotgan summani to`lab berish shartlari yuklatiladi.

Mazkur ob`ekt yuqorida belgilangan savdo kunida sotilmagan taqdirda navbatdagi haftalarning payshanba kunlari o`tkaziladigan savdolarga qo`yiladi.

Savdolar o`tkaziladigan quyidagi manzildan qo`shimcha ma'lumotlar olish mumkin: 100060, Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur shoh ko`chasi, 16-«A» uy.

**Aloqa telefoni 233-23-49,**
**telefaks 233-23-40,**
**elektron pochta: PA_DUK@mail.ru**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.**
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8494 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 2 3 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda